

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2021 йил махсус сон



2. Shermatova D.Ya., "The Educational Significance of Language in Parent-Child Relationships in the Family", EUROPEAN JOURNAL OF LIFE SAFETY AND STABILITY (EJLSS) ISSN 2660-9630 www.ejlss.indexedresearch.org Volume 6, 2021.
3. O.D.Rahimov., O.M.Turg'unov., Q.O.Mustafayev., H.J.Ro'ziyev. "Zamonaviy ta'lim texnologiyalari", Toshkent-2012 y.-7-bet.
4. O.D.Rahimov., O.M.Turg'unov., Q.O.Mustafayev., H.J.Ro'ziyev. "Zamonaviy ta'lim texnologiyalari", 2012 y.-35-bet.

"НУТҚ НУҚСОНЛИ БОЛАЛАР ДИҚҚАТИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ"

Жўраев Мухридин Мўйдинович
НамДУ, Таълим менежменти кафедраси ўқитувчиси
E-mail: muhr58@mail.ru Тел: 99 978 43 20

Аннотация: Мақолада нутқий нуқсонлари бўлган болаларнинг диққат хусусиятларининг ўзига хос эканлиги, тил ва нутқнинг ўзаро алоқадор, бир-бири билан боғлиқ бўлган вазифалари баён этилган.

Калит сўзлар: аномал, нутқ нуқсонлари, нутқий диққат, педагогик коррекция, ижтимоий муҳит, интеграция, болалар церебрал фалажи, реабилитация, сегрегацион таълим, дифференсация, адаптация.

«ОСОБЕННОСТИ ВНИМАНИЯ ДЕТЕЙ С ДЕФЕКТАМИ РЕЧИ»

Жўраев Мухридин Мўйдинович
Преподаватель кафедры Менежмент образования, НамГУ
E-mail: muhr58@mail.ru Тел: 99 978 43 20

Аннотация: В статье рассматриваются особенности концентрации внимания детей с дефектами речи, взаимосвязанные, с функциями языка и речи.

Ключевые слова: дети с ограниченными возможностями нарушения речи, речевые внимания, коррекционная педагогика, социальная среда, интеграция, церебральный паралич, реабилитация, дифференциация, адаптация.

"PECULIARITIES OF ATTENTION OF CHILDREN WITH SPEECH IMPAIRMENTS"

Djo'rayev Muxridin Mo'ydinovich
NamSU, Lecturer, Department of Educational Manegement
E-mail: muhr58@mail.ru Тел: 99 978 43 20

Abstract: The article describes the peculiarities of the attention span of children with speech defects, the interrelated, interrelated functions of language and speech.

Key words: children with disabilities, inclusive education, social environment, integration, cerebral palsy, rehabilitation, segregated learning, differentiation, adaptation.

Янги Ўзбекистонда соғлом она ва соғлом бола масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишига айлангани, кенг қўламли умуммиллий дастурларимиз доирасида амалга ошираётган ишларимиз жаҳон миқёсида ҳам тан олинмоқда. Айни вақтда ҳаётнинг ўзи



ёш авлод тарбияси борасида олдимизга янгидан-янги, долзарб вазифаларни қўймоқда. Ана шуларнинг эътиборга олган ҳолда, ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш борасидаги фаолиятимизни изчил давом эттириш билан биз педагогларга янада катта маъсулият юклайди. [1]

Болалардаги нутқий ривожланишининг бузилишлари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, нутқнинг онтегенезда ривожланиши, нутқ нуқсонларининг турлари тўғрисида фикр юритишдан олдин биз албатта нутқ ўзи нима?, тил нима? Унинг компонентлари нима?, нутқнинг бола камолотига таъсири каби тушунча ва фикрларга эга бўлишимиз лозим.

Миямизда (онгимизда) объектив оламнинг таъсири туфайли ҳосил бўлган тушунчалар, тасаввурлар, турли хил фикрлар ижтимоий аҳамиятга эга бўлган тил (нутқ) орқали ифодаланади. Ҳар қандай фикрни баён этиш, бошқалар билан алоқада бўлиш, фақат тил воситаси орқали амалга ошадиган реал, жонли нутқ жараёнида содир бўлади.

Тил алоқа қуроли, инсонлар орасидаги муносабат воситаси деб баҳоланганида тил материалга асосланган нутқ кўзда тутилади. Тил ва нутқ ўртасидаги боғлиқлик ўзаро алоқадорлик яна қуйидагилардан ҳам маълум бўлади. Тил нутқ асосида ташкил топади ва нутқ орқали реаллашади. Тил бир вақтнинг ўзида ҳам асос, ҳам нутқ маҳсули. Тил алоқа учун материал берса, нутқ шу материалдан фикр шакллантиришдир. Бизнингча ҳам, нутқ системадир, тизимли характерга эгадир.

Аммо у тилга нисбаган иккинчи даражали система бўлиб, тил функциясига асосланади, ундан имконият сифатида фойдаланади. Тил системаси асосида нутқий тузулма, нутқ фаолияти, фикрни ифодалаш жараёни юзага келади. Тилнинг яшаши, мавжудлиги, тараққиёти нутқ орқали бўлади. Масалан, мен ўз нутқимда ўзбек тилидан фойдаланиб гапиряпман, демак бу ўзбек тилининг мавжудлиги, унинг яшаётганлигидир. Демак, тилнинг ҳар бир аниқ кўриниши реал нутқ фаолиятидир. Тил инсон хотирасида мавжуд лисоний (лингвистик) бирликлардан ва қоидалардан иборат хазинадир. Нутқ эса ушбу бирликларнинг муайян қоидалар асосидаги фаол ҳаракати, муайян ижтимоий вазифа бажариши, яъни нутқ жараёндир, амалиётдир.

Тил ҳам, нутқ ҳам ижтимоий ҳодисадир. Ижтимоий характерга эга бўлган тил ва нутқ бири иккинчиси орқали амалга ошади, яъни тил нутқ орқали, нутқ эса тил орқали воқелашади, намоён бўлади. Тил ва нутқ ўзаро алоқадор, бир-бири билан боғлиқ, бири иккинчисисиз мавжуд бўлмайдиган, аммо бир-биридан фарқли бўлган ижтимоий ҳодисалардир. Тил мавҳумдир, нутқ эса аниқдир, яъни нутқни эшитгамиз, акустик қабўл қиламиз ва кўрамыз (матнда). Нутқ доимо аниқ бўлиб, муайян ўринда (жойда) ва муайян вақтда юз беради. Нутқ сўзловчининг, тингловчининг ва предметнинг - фикр юритилаётган предметнинг мавжуд бўлишини талаб қилади. [3]

Нутқ - алоҳида шахсга, индивидга боғлиқ, тил эса алоҳида шахсга, индивидга боғлиқ эмас. Тилнинг ижодкори, яратувчиси халқ, тил халқнинг маҳсулидир. Нутқнинг эса ижодкори индивиддир, инсондир. Нутқ баланд ва паст, тез ёки секин, ўзун ёки қисқа, мимикали ёки мимикасиз, қўл ҳаракати билан (жест) ёки қўл ҳаракатсиз, аниқ ёки ноаниқ бўлиши мумкин, тилга бундай таъриф-тавсиф тўғри келмайди. Нутқ ҳам монологик ҳам диалогик бўла олади. Тил эса монологик ҳам, диалогик ҳам бўла олмайди. Тил - алоқа қуроли, нутқ - алоқа усули. Тил - имконият, нутқ - воқелиқ таъсирчанлик. Тил - умумийлик нутқ - хусусийлик алоҳидалик. Нутқ келиб чиқишига кўра бирламчи, яъни олдин нутқ товушлари пайдо бўлган, тил эса иккиламчи, нутқ



асосида шакланган, ташкил топган. Тил таҳлил қилиш йўли орқали, нутқ эса қабул қилиш ва тушуниш орқали билинади. Тилнинг тараққиёти ўзоқ, халқнинг ҳаёти билан боғлиқ, нутқнинг ҳаёти эса қисқа, яъни айтилган вақтдагина мавжуд.

Тилнинг алоҳида вазифаси бўлган нутқ психология, тилшунослик (услугунослик нутқ маданияти ва б.), физиология (нутқ аппаратининг тузилишини ўрганади), информатсия назарияси ва бошқа фанлар томонидан текширилади. Тил – тилшунослик фалсафа, мантиқ, тарих, семиотика (юн. Semeiotikos белгилар ҳақидаги таълимот) ва бошқа фанлар томонидан ўрганилади. Тил ва нутқ орасидаги диалектик муносабат шундаки, нутқ фаолияти натижасида нутқ шаклланади.

Нутқ эса тил бирликларидан тузилади ва тил бирликларига ажралиб кетади. Тил бирликлари яна нутқ фаолияти - фаоллиги учун хизмат қилади. Нутқий фаолият – тизимли жараён бўлиб, у ўз ичига вербал ва новербал компонентларни олади.

Унинг бундай мураккаб таркиби онтогенезнинг илк босқичларида айниқса ёрқин намоён бўлади. Айнан мана шу даврда нутқнинг ривожланиши коммуникатив эҳтиёж ва қобилият, ҳиссий соҳанинг ҳолати, билиш жараёнлари ва қобилиятларнинг ривожланиш даражаси сингари психологик омилларга боғлиқ бўлади.

А.Н.Корнев (2006) психонутқий ривожланишнинг кўрсаткичлари сифатида коммуникатив ҳатти-ҳаракатларни, ҳиссий таъсирчанликни, фаолликни ва у билан боғлиқ сенсор жараёнларни, ихтиёрсиз диққатни кўрсатади. Замонавий психология, педагогика илмида нутқ кишиларнинг фаолияти жараёнида мулоқот шакли сифатида тарихан таркиб топган дея талқин этилади.

Нутқ фақатгина инсон учун хос бўлган, унинг фаолиятни ихтиёрий бошқариш ва назорат этишни таъминловчи, олий руҳий функцияларнинг пайдо бўлиши учун муҳим шарт ҳисобланади.

Тил мулоқот ва тафаккурнинг асосий воситаси сифатида хизмат қилиб, маълумотларни сақлаш ва узатишнинг, жумладан авлодлардан авлодларга узатишнинг воситаси ҳисобланади.

Нутқий фаолият меҳнат, ўйин, ўқув, коммуникатив ва билиш фаолияти, жумладан мнестик каби фаолиятнинг хилма-хил турларини намоён этиб, уларга “хизмат қилади”.

Нутқ боланинг руҳий ривожланишида муҳим рол ўйнайди (Л.С.Виготский, И.А.Зимняя, А.Н.Леонтев). Ўз навбатида имконияти чекланган болаларнинг маълум гуруҳида руҳиятнинг турли хилдаги бузилишлари (биринчи навбатда – интеллектуал ривожланишнинг бўзилишлари) одатда тилнинг қатор компонентларининг (биринчи навбатда – семантик, синтаксик ва лексик) ривожланишдан ортда қолишига ёки патологик бузилишига олиб келади. Нутқий ривожланишида нуқсонлари бўлган кўпгина болаларда фонематик эшитув ва фонематик идрок камчиликлари кузатилади. [3]

Г.Ф.Сергеевнинг таъкидлашича (1973), дизартрия ва ринолалия нутқ нуқсонида нутқ ҳаракат анализатори функциясининг бузилиши товушларни эшитув орқали идрок этишга сезиларли таъсир этади. Кўпинча маълум ўзаро боғлиқлик кузатилади: талаффузда товушлар қанчалик кўп дифференциацияланса, товушларни эшитув орқали фарқлаш шунчалик муваффақиятлироқ амалга ошади (Е.Н.Винарская).

Нутқи ривожланмаган болаларда ихтиёрий диққатнинг ўзига хосликлари унинг чалғувчанлигида ёрқин намоён бўлади. Оғир нутқ нуқсонига эга болаларда ихтиёрий диққатнинг қуйи даражаси уларда фаолиятнинг шакланмаслигига ёки фаолият



тизимининг маълум даражада бузилишига олиб келади (Й.Ф.Гаркуша, О.Н.Усанова, 1985).

Т.С.Овчинникова (1996) нутқ нуқсонига эга мактабгача ёшдаги болалар диққатини тадқиқ этар экан, қатор ўзига хосликларни аниқлади.

Хатолар қаторида биринчи ўринни тушириб қолдиришлар эгаллайди. Шунингдек диққатни тақсимлашдаги камчиликлар, юқори чалғувчанлик, умумий уюшмаганлик аниқланган. Шу билан бир қаторда “Нукталар” методикасини бажаришда ёдда сақлаб қолиш ва диққат ҳажмига кўра нутқ нуқсонига эга ва нормал нутқга эга болалар ўртасида ишончли тафовутлар аниқланмаган.

Кўпгина тадқиқотчилар нутқи тўлиқ ривожланмаган болаларни назарда тутиб, уларнинг интеллекти сақланган; бироқ алоҳида когнитив операсияларнинг камчиликлари мавжуд дея тахмин қилишган. (Т.Н.Волковская, 2002; Г.В.Гуроветс, 1974; Н.С. Жукова, Е.М.Мастюкова, 1971; А.С.Завгородняя; Е.А.Никулина, 1985; Р.И.Лалаева, 2005; О.Н.Усанова, Т.Н.Синякова, 1982; Т.А.Фотекова, 1994;).

Билиш фаолиятининг ҳолати мотор алалияга (юн. алалия – инкор қўшимчаси ва lalia – нутқ – бош мия катта ярим шарлари пўстлоғидаги нутқ зоналарининг чала ривожланиши ёки зарарланиши сабабли болаларнинг тилга кирмаслиги ёки яхши сўзлай олмаслиги). эга болаларда айниқса пухта ўрганилган.

Р.А.Белова тадқиқотлари натижасида (1972) алалияга эга болалар учун фақатгина ранг, шакл, катталиқ, предметларнинг фазовий ва миқдорий муносабатлари ҳақидаги содда тасаввурлар адекват эканлиги аниқланган. Муаллифнинг кўрсатишича, кўргазмали-ҳаракат тафаккур сақланган ҳолда кўргазмали-образли ва сўз-мантикий тафаккур нормадан ортда қолади. Нутқий нуқсонларда ҳиссий-иродавий доира ва шахс ривожланишининг ўзига хосликлари етарлича ўрганилмаган.

Нутқий нуқсонни англаш, диққатнинг унга қаратилганлик даражаси асосан дудуқланувчи болаларда (Л.И.Белякова, 1984; Г.А.Волкова, А.Й.Панасюк, 1979; В.И.Селеверстов, 1994; А.Г.Шембел) ва овоз бўзилишларига эга шахсларда ўрганилган (О.С.Орлова, Л.Е.Гончарук, 1983). О.А.Слинко (1987) мактабгача ёшдаги нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар шахсининг ривожланиши ва уларда шахслараро муносабатларнинг шаклланиш ўзига хосликларини ўрганар экан, нутқи тўлиқ ривожланмаган бола шахсининг шаклланишига нутқий нуқсоннинг ифодаланганлик даражаси таъсир этишини ва нутқий етишмовчилик мулоқот воситаларининг шаклланмаганлиги ҳисобига тенгдошлар даврасида салбий муносабатларнинг асосий сабаби бўлиши мумкинлигини таъкидлайди.

Нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар коммуникатив соҳа ўзига хосликларини ва ўйин фаолиятининг ҳолатини ўрганишга доир қатор тадқиқот ишлари Г.В.Чиркина (1996) раҳбарлиги остида амалга оширилган. Мазкур тадқиқот натижалари нутқий ва коммуникатив кўникмаларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги тасаввурларни бойитади (Л.Г.Соловева, 1996). Луғат бойлигининг камбағаллиги ва дифференциациялашмаганлиги, боғланган баённинг ўзига хослиги сингари нутқий ривожланишнинг ўзига хосликлари тўлақонли мулоқотни амалга оширишга тўсқинлик қилади. Мазкур қийинчиликлар натижаси сифатида мулоқотга бўлган эҳтиёжнинг пасайиши, диалогик ва монологик нутқ шакллариининг ривожланмаганлиги, мулоқотни амалга оширишга бўлган қизиқишнинг мавжуд эмаслиги мулоқот вазиятида мўлжал ола билмаслик, негативизм сингари ҳулқ-атвор ўзига хосликлари кузатилади. Мактабгача ёшдаги болалар нутқи



тўлиқ ривожланмаган, ўйин фаолияти эса, ривожланганлигининг қуйи даражаси: сюжетнинг эса, камлиги, ўйиннинг процессуал характери, нутқий фаолиятнинг сустиги алоҳида эътиборни ўзига жалб этади (Л.Г.Соловева, 1996).[4]

Бундай болаларнинг кўпчилиги учун турли неврологик симптоматика билан боғлиқ равишда юқори қўзғалувчанлик характерли бўлиб, тарбиячилар томонидан назорат қилинмаган ўйинлар баъзида ижобий ташкиллаштирилмаган характер касб этади. Нутқий нуқсонга эга болаларда моторика, кўрув-мотор координатсия камчиликлари кузатилиб, бу ҳар қандай фаолиятнинг ташкилий вазиятлари бўлган тактил-мотор ҳиссиётларнинг етарлича ривожланмаганлигини кўрсатади.

Фазовий тасаввурлар ва образли соҳа етарлича ривожланмаган. Мазкур камчиликлар биринчи навбатда болаларнинг тасвирий ижодга бўлган қобилиятига таъсир этади. Алалияга эга болаларда тасвирланган расмлар мавзусининг чекланганлиги ва мазкур мавзуларнинг қайта-қайта такрорланиши, предмет ва ҳодисаларни тасвирлаш усуллариининг мавжуд эмаслиги, яшаш ва қуриш усуллариининг камвариантлиги, қайчидан фойдалана олмасликлари ва бошқалар кузатилади (Л.С.Светкова, Т.М.Пирсхалайшвили).

Элементар техник усулларни эгаллаган болалар ҳам машғулотилари давомида етарлича сабот, ирода ва диққатни намоёиш этмайдилар. Ўзгалар ва шахсий фаолиятга бўлган танқидий муносабат ҳам пасайган.

О.Н.Усанова ва О.А.Слинкониинг таъкидлашича, нутқий нуқсонга эга болалар учун ўқув фаолиятнинг ўзига хосликлари характерга эга, масалан, дудуқланувчи болалар учун одатий шарт-шароитларнинг ўзгариши фаолият турғунлигининг пасайишига, диққатнинг тарқоқлигига олиб келади.

Нутқи ривожланмаган болаларда диққат-эътиборнинг хусусиятлари хакартерли: ўзгарувчанлик, эркин эътиборнинг паст даражадаги кўрсаткичлари, ўз ҳаракатларини режалаштиришдаги қийинчиликлардир. Болалар масалани ҳал қилишда турли усул ва воситаларни қидириб, шарт-шароит таҳлилида қийинлик билан диққат-эътиборларини тўплайдилар. Биринчи марта, ранги, шакли, фигураларнинг жойлашишига кўра фарқ қилишда кўпол бузилишлар билан боғлиқ хатоларнинг сони кўплиги кузатилади.

Нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги мактабгача таълим ёшидаги болаларда фаолият тезлигининг барқарорлиги иш жараёнида ингилишни пасайишига олиб келади.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, нутқида камчилиги бўлган болаларда диққат-эътиборнинг нутқ ва амалий ҳаракат ўртасида бўлиши, амалда бажариб бўладиган қийин вазифа ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Т., 24.01.2020 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга қилган маърузасидан. – Т., 2017 й.
3. Л.С. Выготский Проблемы дефектологии. М.: “Просвещение”, 1995 й.
4. Л.Р. Мўминова. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлигини баргараф этишнинг коррекцион-педагогик асослари: Пед.фан.док. ... дисс. – Т.: 1991.



5. Х.М. Пўлатова Нутқи тўлиқ ривожланмаган мактабгача тарбия ёшидаги болалар нутқ фаолиятини фаоллаштириш: Пед.фан.номз. ... дисс. – Т.: 1991й.
6. Хрестоматия по логопедии. 1 том. М.; “Педагогика”, 1997 г.
7. Хрестоматия по логопедии. 2 том. М.; “Педагогика”, 1997 г.
8. Аюпова М.Ю. Логопедия /Дарслик/ Т.: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти”, 2011 й.
9. www.ziynet.uz
10. www.edu.uz www.tdpu.uz
11. www.pedagog.uz
12. www.namdu.uz

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МАҚСАДЛИ БОШҚАРИШГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР

З.Х.Маҳмудова

Мактабгача таълим методикаси
кафедраси ўқитувчиси

***Аннотация:** мақолада мактабгача таълим ташкилотларини мақсадли бошқаришнинг назарий асослари, бошқарув мақсадларини белгилаш босқичлари ҳақида сўз юритилади.*

***Калит сўзлар:** бошқарув фаолияти; мақсадли бошқариш; касбий-педагогик тайёргарлик; мақсадни белгилаш; таъхис; башорат қили; лойиҳалаш; режалаштириш.*

***Аннотация:** В статье рассматриваются теоретические основы целевого управления дошкольными образовательными учреждениями, этапы постановки целей управления.*

***Ключевые слова:** управленческая деятельность; целевое управление; профессионально-педагогическая подготовка; постановка целей; диагностика; делать предсказания; дизайн; планирование*

***Abstract:** The article examines the theoretical foundations of targeted management of preschool educational institutions, the stages of setting management goals.*

***Key words:** management activity; targeted management; vocational and pedagogical training; goal setting; diagnostics; make predictions; design; planning*

Мамлакатимизда мактабгача таълим тизимини ривожлантириш ва болаларни мактаб таълимига тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишлари даражасига кўтарилди.

Таълим тизими ривожланишининг замонавий даври – мактабгача таълим биринчи босқичида қуйидагиларда намоён бўлувчи ўзгаришлар юз бермоқда: мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятининг ҳуқуқий-меъёрий асоси такомиллашиб бормоқда; ташкилотлар молиявий-хўжалик фаолиятининг янги шаклларига ўтмоқда; нодавлат ташкилотлар тармоқлари кенгаймоқда; таълимнинг илғор технологиялари татбиқ этилмоқда; кадрлар малакасини ошириш тизими такомиллашмоқда; мактабгача таълим ташкилотларининг альтернатив шакллари татбиқ этилмоқда, молия институтлари иштирокида инвестицион лойиҳалар амалга оширилмоқда. Мактабгача таълим ташкилотларининг инновацион ва экспериментал фаолияти кенгаймоқда.



125	Boshlang'ich sinflarda ingliz tilini o'qitishda , multimedia darsliklarining ta'lim tizimida tutgan o'rnı. Valiyeva Sh.A, Gapporov B.	597
126	Талабаларда жисмоний тарбияга қадриятли муносабатларини ривожлантиришга хос малака ва кўникмаларни юксак даражада самарали йўлга қўйилиши Назаров А.Т.	599
127	Картографическая грамотность - признак географической культуры Абдурахмонов Б.М.	603
128	Бўлажак тарбиячиларда касбий компетентликни ривожлантириш омиллари Абдусаматова Н.Ж.	609
129	Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг касбий компетенцияларини ривожлантириш йўллари Аъзамова Б.М.	613
130	Nanotexnologiyalar bo'yicha ta'lim olishga talab Borisova V.A.	616
131	Методика преподавания категории рода существительного в начальных классах. Дедаханов А.М.	623
132	Китоб –маърифат чироғи Муминова Д. А.	626
133	Davlat tiliga e'tibor va uning oliy ta'lim texnika yo'nalishlarida o'qitilishi Shermatova D.Y.	633
134	“Нутқ нуқсонли болалар диққатининг хусусиятлари” Жўраев М.М.	637
135	Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини мақсадли бошқаришга замонавий ёндашувлар Маҳмудова З.Х.	642
136	Talaba sportchilarning portlovchi kuchini rivojlantirish usullari Qambarov S.S.	647
137	Die bedeutung und das gebrauch der it beim sprachlernen Mamashajeva M.	651
138	Шахс ижтимоийлашуви жараёнида жисмоний маданият ва спортнинг ўрнига доир Мадаминов Б.Ш.	655
139	Тафаккур жараёни, ақлий ҳаракат усуллари ва танқидий фикрлашга ўргатишнинг ўзаро алоқадорлиги Тажибоева Г.М.	659
140	Талабаларда таълим менежменти бўйича билим ва кўникмаларни шакллантиришга замонавий ёндашув Қорабоева З.Т.	664
141	Олий таълим талабаларнинг амалиётини ташкил қилиш мазмуни. Кодирова З.	669